

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 191296 на приобретение Асфальторез

Способ проведения электронный

Дата 06.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 16:03

Закупочная комиссия Узбекистон Рспубликаси ИИБ Сурхондарё вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йул харакати хавфсизлиги бошкармасининг махсус эксплуатация-монтаж булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XAYDAROV FARXOD XOLTURAYEVICH	raxbar	Узбекистон Рспубликаси ИИБ
<b>Секретарь комиссии</b>	RASULOV XUSHNUD XOLMO'MINOVICH	Котиб	Узбекистон Рспубликаси ИИБ
<b>Член комиссии</b>	RAZAKOV UKTAM URALOVICH	Ишчи	Узбекистон Рспубликаси ИИБ
<b>Член комиссии</b>	PARDAYEV SANJARBEK O'KTAM O'G'LI	Ишчи	Узбекистон Рспубликаси ИИБ
<b>Член комиссии</b>	BOLTAYEV FAZLIDDIN NE'MATOVICH	Ишчи	Узбекистон Рспубликаси ИИБ
<b>Член комиссии</b>	IMAMKULOV ANVAR NARKULOVICH	Ишчи	Узбекистон Рспубликаси ИИБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.12.2022 года № лота 191296.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Асфальторез
Подробное описание	Швонарезчик для работ по резке в асфальте, бетоне и других аналогичных абразивных строительных материалах, особенно подходящий при работах в стесненных или в труднодоступных областях. Должна быть очень хорошая мобильность благодаря компактным размерам и алому весу. Бесступенчатая установка глубины резки с помощью поворотного рычага с указателем глубины. Эргономичные, фиксируемые по высоте и мало вибрирующие рукоятки подачи. Подача воды через водяной бак или из внешнего источника воды под давлением. Максимальная глубина реза: 150мм максимум диаметр лезвия: 400мм Отверстия лезвия: 25,4мм Гнездо для пилы: слева Максимум. диапазон зажима: 10мм Мощность двигателя: 4.8кВт Тип двигателя: бензиновый Запуск двигателя: тросовый стартер Регулировка глубины резания: маховик Подача: вручную
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	22 500 000.00
Стартовая сумма	22 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштокчининг банкротлик холатлари йоклиги, олдин судланмаганлиги хакида кафолат хати. Солик

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштокчининг банкротлик холатлари йоклиги, олдин судланмаганлиги хакида кафолат хати. Солик

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	20	Баркротлик холатлари йук	15	Экспертная		
<b>Star Trader</b>	20	малумот такдим килинди	18	Экспертная		

Критерий №2 Иштрокчининг банкдан карздорлиги йоклиги тогрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчининг банкдан карздорлиги йоклиги тогрисида малумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	20	жамиятимиз банк ва соликдан карздорлиги йук	15	Экспертная		
<b>Star Trader</b>	20	Малумотнома	18	Экспертная		

Критерий №3 Корхона руйхатдан утганлиги тогрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	20	Гувоҳнома	15	Экспертная		
<b>Star Trader</b>	20	малумот такдим килинди	18	Экспертная		

Критерий №4 Коррупция холатларига йол коймаслиги хакида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция холатларига йол коймаслиги хакида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	20	Коррупсия қонунларига риоя этамиз	15	Экспертная		
<b>Star Trader</b>	20	малумот такдим килинди	18	Экспертная		

Критерий №5 Иштокчининг банкротлик холатлари йоклиги, олдин судланмаганлиги хакида кафолат хати. Солик

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштокчининг банкротлик холатлари йоклиги, олдин судланмаганлиги хакида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	20	Баркротлик холатлари йук	15	Экспертная		
<b>Star Trader</b>	20	малумот такдим килинди	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>Star Trader</b>	22 500 000.00	18 520 000.00 UZS	18 520 000.00	00.00	18 520 000.00	06.12.2022 15:18:11	10
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	22 500 000.00	22 000 000.00 UZS	22 000 000.00	00.00	22 000 000.00	30.11.2022 11:16:11	8.41818

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>Star Trader</b>	81	10	91
<b>ООО "GREEN HOUSE PET WORLD"</b>	67.5	8.41818	75.91818

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 191296 от 06.12.2022 года на приобретение Асфальторез определила победителем:

Star Trader  
308322297

и резервный исполнитель: ООО "GREEN HOUSE PET WORLD" (307864898)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XAYDAROV FARXOD XOLTURAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	PARDAYEV SANJARBEK O'KTAM O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOLTAYEV FAZLIDDIN NE'MATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IMAMKULOV ANVAR NARKULOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# ШАРТНОМА №-04

(ЛОТ- 22110012191296)

" 11 " декабр 2022 йил

Термиз шаҳар

Буюртмачи бўлган кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи Сурхондарё вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йул ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Махсус эксплуатация монтаж бўлими номидан раҳбар Ф.Хайдаров Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда “Ижрочи” деб «STAR TRADER» МЧЖ аталувчи номидан раҳбар М. Мирализов, Низом асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. **Ижрочи** буюртмага асосан қуйидаги кўрсатилган махсулотларни (курсатилган хизмат) етказиб беради, “Буюртмачи” эса махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини олади.

Спецификация:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх ККС билан	Позиция учун келишилган сумма ККС билан
1	Қўлда судраб юрилувчи Асфалт кесиш техникаси	Дона	1	22 500 000	18 520 000	18 520 000
<b>Жами</b>						<b>18 520 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: **18 520 000** (Ун саккиз миллион беш юз йигирма минг) сум, ККС билан

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Шартнома амалга ошганидан сунг Буюртмачи “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий суммасидан 30% олдиндан (аванс) туловини амалга оширади. Шартнома суммасидан қолган 70% туловни махсулотни қабул қилиб олгандан сунг тулаб беради.

2.2. Ижрочининг ҳисоб рақамига 30% тўлов амалга оширилганидан сунг 10 иш куни ичида товарни етказиб бериши шарт.

2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисобварақ-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ижрочидан мазкур шартноманинг 1 бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш;
- Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни;
- етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини;
- мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Битим суммасининг 100% миқдоридаги туловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда «Ижрочининг» ҳисобрақамига ўтказиши лозим;
- товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан келишиб олиш;

3.3. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;
- Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- товарни етказиб бериш санаси ва вақтини «Буюртмачи» билан келишиб олиш;
- товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ижрочидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима ижрочидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга муурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Сурхондарё вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги  
хизмати Йул ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси

Махсус эксплуатация монтаж булими

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Тохаристон 156

Ш/ХР : 401010860224017031101179007

Банк: У.Т.Молла вазирлиги газначилиги

МФО: 00019 ИИН: 200473854

Телефон:

Раҳбар:

Ф. Хайдаров

Юрист Визасия Мен

Вилоят Молия

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

« 14 »

(сана)

2022 йил

(имзо)

### ИЖРОЧИ

« STAR TRADER » МЧЖ

Манзил: Термиз шаҳар Ойбек кучаси 22

Х/р: 2020 8000 7053 6454 1001

Банк: Агробанк Сурхондарё филиали

МФО: 00325 OKED - 20300

ИНН: 208422297

Раҳбар:

Т. Садуллаев

Юристи, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги

« 14 »

(ФИО)



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"STAR TRADER" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"STAR TRADER" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.03.2021

968022

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308322297

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Surxondaryo viloyati, Termiz shahri, OYBEK KO'CHASI 22 M, ANZILGOX,**

Guvohnoma:

**Surxondaryo viloyati, Termiz shahri, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

